

Мавлид ҳақида ўйлар (ўн саккизинчи мақола)



14:00 / 26.10.2021 1558

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда илгаргидек ҳол аҳлларини топиш жуда ҳам мушкул. Ҳар ким ўзини ҳол аҳли деб даъво қилиши мумкин эмас. Ҳол аҳллари одатда ўзларининг аҳли ҳол эканларини халқдан яширадилар. Акс ҳолда мақомларига путур етади. Ҳақиқий аҳли ҳол кишиларнинг қатор аломатлари бўлади ва бунинг ҳам ўз илми бор. Аҳмад Зарруқ раҳматуллоҳи алайҳ «Ҳол ҳақида эса ўша ҳол эгасининг омонатдорлиги, салоҳиятига кўра хулоса чиқарилади» деганда ана шуни назарда тутган.

8. Ҳар нима бўлганда ҳам, маҳалли қиёмда туриш асосан ички туртки билан бўлган, шунчаки тақлид шаклида қилинмаган. Аммо айрим доираларда, хусусан кейинчалик бу ишни қилган кишиларда кўпинча аввалги руҳият топилмай қолган.

9. Зоҳиран олганда, маҳалли қиёмда туришни бугунги кундаги давлат мадҳияси айтилганда ҳурмат юзасидан тик туришга ўхшатиш мумкин. Ҳозирда барча давлатларда бу урф бор. Бу давлат белгиларига ва шу орқали давлатга ҳамда ўша давлатнинг халқига эҳтиром изҳор қилиш рамзидир. Мадҳия учун ўриндан туриш ҳам ҳамма жойда бўлавермайди, яъни мадҳия овози эшитилсаки, тик туриб олинмайди, балки одатда бу иш

расмий аҳамиятга эга бўлган мажлисларда кузатилади. Мисол учун, халқаро спорт мусобақаларидан аввал иштирокчи давлатларнинг мадҳияси ижро этилганда ҳамма баравар тик туравермайди, кимдир туради, кимдир ўтиради, ҳеч ким ҳеч кимга турмадинг ёки турдинг, деб эътироз билдирмайди. Мадҳияни эшитганда тик туришни одамлар ўзларининг завқларидан келиб чиқиб ўйлаб топишган ва худди шу завқлари асосида ҳар жойда турлича тартибга солишади. Бу бир ярашиқ, холос, ҳал қилувчи омил эмас.

Олдинлари подшоҳларнинг фармони ўқилганда тик туриш одати ҳам бўлган экан. Шунинг учун маҳалли қиёмни ёқлаб чиққан кишилар: «Айрим жойларда подшоҳнинг эълонини етказиш учун унинг номини тилга олинганда, фармони ўқилганда одамлар тик туришади. Бунга ҳеч ким индамайди. Нега энди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номлари зикр қилинганда ҳурматан тик туриш мумкин бўлмайди? Ахир, у зотнинг эҳтиромларини қилиш устунроқ эмасми?» дейишади.

Шуни холис айтиш лозимки, маҳалли қиёмда туриш тарафдорлари айтган юқорида келтирилган гаплар вазиятни қўлдан келганча тушунтириш учун кўрсатилган далиллардир. Аммо бу билан маҳалли қиёмда туришни одатга киритган кишиларнинг ҳолларини тўлиқ англадик дея олмаймиз, балки тушунишга ҳаркат қилдик десак тўғрироқ бўлади, чунки бу каби ишлар кўпинча аҳли ҳол инсонлардан зоҳир бўлган. Ҳол аҳлининг ҳолини эса ўша мақомга етишган кишиларгина ҳис қила олади, бошқалар барибир тўлиқ тушуниши қийин.

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид